

**ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР:  
НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ**

**Эсанова Замира Нормуротовна**

*ТДЮУ Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори*  
[zamira.esanova@mail.ru](mailto:zamira.esanova@mail.ru)

**Аннотация:** Ушбу мақолада фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим институти бўлган процессуал муддатлар ва унинг назарий таҳлили ҳақида сўз боради. Мақолада процессуал муддатларнинг аҳамияти, турлари, ҳар бир таснифига оид шарҳлар берилган, муддатларнинг турлари мисоллар орқали асослантирилган.

**Таянч сўзлар:** фуқаролик процессуал ҳуқуқи, процессуал муддат, даъво муддати, узайтирилган муддат, ҳаволаки муддат, кечиктирилган муддат, тўхтатилган муддат, процессуал оқибат.

**ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ СРОКИ В ГРАЖДАНСКОМ СУДОПРОИЗВОДСТВЕ:  
ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ**

**Эсанова Замира Нормуротовна**

*профессор кафедры гражданского процессуального и экономического процессуального  
права ТГЮУ*  
[zamira.esanova@mail.ru](mailto:zamira.esanova@mail.ru)

**Аннотация:** В данной статье речь идет о процессуальных сроках и их теоретическом анализе, что является важным институтом гражданского процессуального права. В статье приведены значение, виды и комментарии к каждой классификации процессуальных сроков, а виды сроков обоснованы примерами.

**Ключевые слова:** гражданское процессуальное право, процессуальный срок, срок исковой давности, расширенный срок, ссылочный срок, отсроченный срок, условный срок, процессуальное последствие.

**PROCEDURAL TERMS IN CIVIL PROCEEDINGS: THEORETICAL ANALYSIS**

**Esanova Zamira Normurotovna**

*Professor of the Department of Civil Procedural and Economic Procedural Law, TSUL*  
[zamira.esanova@mail.ru](mailto:zamira.esanova@mail.ru)

**Annotation:** This article deals with procedural terms and their theoretical analysis, which is an important institution of civil procedural law. The article gives the meaning,



types and comments to each classification of procedural terms, and the types of terms are substantiated by examples.

**Key words:** civil procedural law, procedural term, claim term, extended term, reference term, delayed term, suspended term, procedural consequence.

Фуқаролик процессуал кодексининг 15-боби бевосита “Процессуал муддатлар” деб номланиб, жами 151-155-моддаларни ўз ичига олади. Аммо мазкур институт бу билан чекланмасдан, процессуал Кодекснинг бошқа нормаларида, хусусан фуқаролик суд ишларини юритиш, суд қарорларини қайта текшириш босқичларига оид махсус бобларда ҳам бундай мазмундаги нормалар мустаҳкамланган, бундан ташқари, судга келиб тушган ёки кўриляётган фуқаролик ишлари билан боғлиқ моддий кодекс ва қонунларда, илмий ишланмаларда<sup>1</sup> даъво муддати ва процессуал муддатларга доир масалалар батафсил ёритилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатлиги таъкидланган. Шунга кўра, келиб тушган фуқаролик ишларини “ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш” муҳим мезонлардан бири саналади.

Процессуал муддатлар институтини **назарий, амалий ва илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб** масала. Мавзунини ўрганишнинг назарий жиҳати шундаки, фуқаролик ишлари бўйича процессуал муддатлар деганда фуқаролик процессининг барча босқичларида процессуал ҳаракатлар бажариладиган вақт оралиғи тушунилади. “Процессуал” атамаси судга муурожаат қилиш орқали вужудга келади. Қонун ҳужжатларида умумий даъво муддатлари ҳамда айрим низолар (ҳолатлар) юзасидан махсус судга муурожаат қилиш муддатлари белгиланган.

Фуқаролик ишлари бўйича судга муурожаат қилиш ва мазкур низоларни ҳал қилишда даъво муддати муҳим аҳамият касб этади. Даъво муддати – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир. Даъво муддати (Фуқаролик кодекси) ФК бўйича умумий, махсус, қисқартирилган, узайтирилган турларга бўлинади, бундан ташқари, Фуқаролик кодексида даъво муддати жорий этилмайдиган талаблар ҳам борки, ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида судга муурожаат қилишда бу ҳолат албатта эътиборга олинади ҳамда

---

<sup>1</sup> Esanova Z.N. Fuqarolik protsessual huquqi (umumiy qism). Darslik. – Toshkent: TDYuU, 2021. – 300 b.; Esenbekova P. et al. Decision of the court of first instance on civil affairs and its content //International journal of professional science. – 2021. – №. 9. – С. 5-12.; ЭСАНОВА З. THE ROLE OF SOME PROCEDURAL INSTITUTIONS IN CONDUCTING COURT CASES: ON THE EXAMPLE OF CIVIL CASES //Юридик фанлар ахборотномаси. – 2018. – №. 2. – С. 24-28.; Esanova Z. N. POSSIBILITIES OF USING INFORMATION AND COMMUNICATION TOOLS IN CIVIL PROCEEDINGS: THE EXPERIENCE OF UZBEKISTAN //Models and methods in modern science. – 2022. – Т. 1. – №. 8. – С. 135-140.



муайян маънода айрим имтиёзларни ҳам келтиради. Хусусан, даъво муддати жорий қилинмайдиган талабларга шахсий номулкий ҳуқуқларни ва бошқа номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талабларга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банкка қўядиган талабларига; фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талаблар киради. Даъво муддати ўтганидан кейин қўзғатилган талаблар даъво қўзғатилишидан олдинги кўпи билан уч йил бўйича қондирилади; жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабларга; мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талабларига; мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадий қийматга эга бўлган мол-мулкни ҳамда бошқа қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талабларга; қонунда белгиланган ҳолларда бошқа талабларга нисбатан татбиқ этилади.

Фуқаролик кодексида даъво муддатини қўллаш ҳақида кўрсатилган бўлиб, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати суд томонидан фақат низолашувчи тарафнинг суд қарор чиқаргунигача берган аризасига мувофиқ қўлланади.

#### **Процессуал муддатларнинг аҳамияти<sup>2</sup>:**

- фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилинишини таъминлайди;
- суд ва бошқа процесс иштирокчиларининг процессуал тартиб-интизомга бўйсунини таъминлайди;
- фуқаролик ишларини судда кўриш жараёнида сифат ва тезкорликни оширади;
- процессуал судлов фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлайди.

#### **Процессуал муддатлар таснифи:**

- ✓ умумий (бир ой, икки ой ва бошқ);
- ✓ махсус (ўн кун, йигирма кун ва бошқ);
- ✓ қонунда белгиланган (ФПКда белгиланган муддатлар);
- ✓ суд томонидан тайинланадиган (ФПКда айнан кўрсатилмаган, аммо суд тайинлаши мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма берилган);
- ✓ ҳаволаки (суд мажлиси бошлангунга қадар, дарҳол, қонуний кучга киргач, ариза тушган куниёқ, иш мазмунан ҳал қилингунча, пандемия шароити, форс-мажор ҳолатлари бартараф этилиши ва бошқ);
- ✓ қисқартирилган муддатлар (бир кун, уч кун, ўн кун ва бошқ)

<sup>2</sup> Эсанова З. Роль отдельных процессуальных институтов в судопроизводстве: на примере гражданских дел //Review of law sciences. – 2018. – №. 2. – С. 24-28.



- ✓ даъво муддатлари;
- ✓ судга мурожаат қилиш муддатлари;
- ✓ судда иш кўриш муддатлари;
- ✓ шикоят бериш, протест келтириш муддатлари;
- ✓ ижрони амалга ошириш муддатлари.

**Тарафларнинг процессуал фаолияти учун белгиланган муддатлар:**

- ✓ Тарафлар томонидан баённома юзасидан фикр-мулоҳаза билдириш – 5 кун.
- ✓ Тарафлар томонидан суд хужжатларининг кўчирма нусхаларини олиш – 5 кун.
- ✓ Сиртдан ҳал қилув қарори устидан жавобгар уни қайта кўриб чиқиш тўғрисида ариза бериш – 15 кун.
- ✓ Қарздор томонидан суд буйруғи юзасидан эътироз билдириш – 10 кун.

**Муддатлар бўйича тарафларнинг ҳуқуқлари:**

- ✓ Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш;
- ✓ Илтимоснома рад этилган ажримлар устидан хусусий шикоят бериш;

**Процессуал муддатларни ҳисоблаш, тўхтатиб туриш, кечиктириш, узайтириш ва тиклаш, уни ўтказиб юбориш оқибатлари.**

Умуман муддат, жумладан процессуал муддатлар ҳам қатъий тартиб-интизомни талаб этади.

**Процессуал муддатларга риоя қилмаслик оқибатлари:**

- ўтказиб юбориш;
- тўхтатиб туриш;
- узайтириш;
- кечиктириш;
- тиклаш;
- тиклашни рад этиш ва бошқ.

**Процессуал муддатлар амал қилиш шакли ва вақтига кўра:**

- биринчи инстанция,
- апелляция;
- кассация;
- янги очилган ҳолатлар бўйича иш юритиш;
- ижро босқичида қўлланиладиган муддатларга ажратилади.

**Процессуал муддатларни татбиқ этиш субъектига кўра:**

- якка тартибдаги судья;
- ҳайъат таркибидаги судья;
- ишда иштирок этувчи шахслар;
- одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар;
- давлат ижрочиси томонидан қўлланиладиган муддатларга айтилади.



### **Процессуал муддатларни ўтказиб юбориш оқибатлари:**

▪ қонунда белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатнинг ўтиши билан бекор бўлади; процессуал муддатларнинг ўтиши ишда иштирок этувчи шахсларни уларнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди;

▪ иштирокчилар ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома билан судга мурожаат қиладилар;

▪ суд ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ажрим чиқаради. **Масалан**, 2020 йил август ойининг 18 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро суди ўз биносига, очик суд мажлисида, раислик этувчи, судья: Я.Я.Я., судья ёрдамчиси Б.Б. нинг котиблигида, даъвогар Давурова Дилноза Данияровна нинг жавобгар Матиев Махмут Миршаевичга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги даъво аризаси ҳамда Матиев Махмут Миршаевичнинг жавобгар Давурова Дилноза Данияровнага нисбатан уйга киритиш ва ордер асосида эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳақидаги қарши даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик иши юзасидан суднинг 30.06.2020 йилда чиқарилган ҳал қилув қарорига нисбатан Давурова Дилноза Данияровна томонидан келтирилган апелляция шикоятини бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқиб, Давурова Дилноза Данияровна нинг апелляция шикояти келтириш муддатини тиклашни лозим топади ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Асос: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 155-моддасига кўра, суд тайинлаган муддатлар суд томонидан узайтирилиши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахслар қонунда белгиланган муддатни суд узрли деб топган сабабларга кўра ўтказиб юборган бўлса, мазкур муддат тикланади.

Процессуал қонунчиликда айрим ҳолатларда (процессуал ҳаракатларни ўз вақтида бажара олмаслик, тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қила олмаслик, тарафларнинг ўзларига боғлиқ бўлмаган вазият ва ҳодисаларнинг юз бериши, хусусан табиий офат, пандемик шароит, касаллик, муомалага лаёқатсизлик, ҳарбий хизматга чақирилиш ва бошқ) олиб борилаётган суд мажлисини тўхтатишга олиб келади. Иш юритишни тўхтатиш ҳаракати барча фуқаролик суд ишларини юритишга нисбатан татбиқ этилади ва суд процессининг барча босқичларига нисбатан татбиқ этилади. Фақат суд буйруғи бундан истисно<sup>3</sup>.

Иш юритиш тиклангунига қадар суд бирор-бир процессуал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас, бундан даъвони ва далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мустасно<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Эсанова З. Н., Ёдгоров Х. Б. УПРОЩЕННОЕ СУДОПРОИЗВОДСТВО: СУДЕБНЫЙ ПРИКАЗ В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ (АНАЛИЗ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН) //Polish Journal of Science. – 2021. – №. 42. – С. 52-54.; Эсанова З. Н. ПРИКАЗНОЕ ПРОИЗВОДСТВО (АНАЛИЗ ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН) //ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В XXI ВЕКЕ. – 2021. – С. 177-182.

<sup>4</sup> Subkhonov S. M. SPECIAL PROCEEDINGS IN CIVIL PROCEEDINGS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 8. – С. 58-64.



**Хулоса қилиб айтганда,** фуқароларнинг умумий ҳуқуқий маданияти ва онги юксалиб бораверса, низоларни вужудга келиш жараёни ҳам сусаяди, низолар ўз жойида (баъзида судсиз тартибда яраштирув асосида) бартараф этилади, келиб чиққан низоларга ўз вақтида ечим берилади. Шу билан бирга, процесс иштирокчилари ҳам судда қатнашар экан, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни билиши ва амалда татбиқ эта олиши даркор. Процессуал қонунда берилган процессуал имтиёзларни ҳеч ким суистеъмол қилишга ва бузишга ҳаққи йўқ. Шу жумладан, ишда иштирок этувчи шахслар қанчалик ҳуқуқ ва мажбуриятларини билсалар, шунчалик процессуал мажбуриятларга ҳам қатъий риоя қилишлари шарт. Чунки ҳуқуқ ва мажбуриятларни таъминловчи воситалардан бири бу- процессуал муддатлар ва уларга оғишмай риоя қилиш саналади. Процессуал муддатларни бузишга ва суистеъмол қилишга ҳеч кимнинг ваколоти йўқ. Фақат қонунда кўрсатилган процессуал имтиёзлар орқали узайтириш ёки кечиктириш ёхуд тўхтатиш мумкин. Процессуал муддатлар барчага баробар, судья учун ҳам, тарафлар учун ҳам қатъий. Шу сабабли умуман муддатлар (даъво муддатлари, процессуал муддатлар) ни ўзига хос принципга эга бўлган долзарб процессуал институт сифатида баҳолаш ўринли.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Esanova Z.N. Fuqarolik protsessual huquqi (umumiy qism). Darslik. – Toshkent: TDYuU, 2021. – 300 b.
2. Esenbekova P. et al. Decision of the court of first instance on civil affairs and its content //International journal of professional science. – 2021. – №. 9. – С. 5-12.
3. Эсанова З. The role of some procedural institutions in conducting court cases: on the example of civil cases //Юридик фанлар ахборотномаси. – 2018. – №. 2. – с. 24-28.
4. Esanova Z. N. Possibilities of using information and communication tools in civil proceedings: the experience of Uzbekistan //Models and methods in modern science. – 2022. – т. 1. – №. 8. – с. 135-140.
5. Эсанова З. роль отдельных процессуальных институтов в судопроизводстве: на примере гражданских дел //Review of law sciences. – 2018. – №. 2. – с. 24-28.
6. Эсанова З. Н., Ёдгоров Х. Б. Упрощенное судопроизводство: судебный приказ в гражданском процессе (анализ по законодательству Республики Узбекистан) //Polish journal of science. – 2021. – №. 42. – с. 52-54.
7. Эсанова З.Н. Приказное производство (анализ процессуального законодательства Республики Узбекистан) //Проблемы и перспективы развития науки и образования В XXI веке. – 2021. – с. 177-182.
8. Subkhonov S.M. Special proceedings in civil proceedings //Galaxy international interdisciplinary research journal. – 2022. – т. 10. – №. 8. – с. 58-64.

